https://buxdu.uz

# Jamiyat va boshqaruv

4
2008

Ижтимоий-сиёсий, илмий-иқтисодий, маънавий-тарихий журнал



https://buxdu.uz

Jamiyat va boshqaruv
4 2008
Ижтимоий-сиёсий, илмий-иқтисодий, маънавий-тарихий журнал

Мундарижа

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

**Бош муҳаррир:**
Қиёмиддин НАЗАРОВ
**Таҳрир ҳайъати:**
Маннон АЛИЕВ
Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ
Шукритдин ПАХРУТДИНОВ
Миракбар РАҲМОНҚУЛОВ
Шухрат РИЗАЕВ
Анатолий САГДУЛЛАЕВ
Абдуғани ХОЛБЕКОВ
Фатхулла ЭРГАШЕВ
**Таҳририят:**
Кўпайсин АЛИЕВА
**(масъул муҳаррир)**
Бахтиёр АБДУШУКУРОВ
Музаффар АҲМЕДОВ
**Мусаҳҳиҳ** - Рустам РАҲМАТХЎЖАЕВ
**Дизайнер** - Наргиза Юсуфжон қизи
**Фотомухбир** - Искандар СОДИҚОВ

**Обуна индекси:**
Якка тартибдаги обуначилар -826;
Идоралар (юридик шахслар) -826.
Қоғоз бичими 70x100 1/16.
8,75 босма табоқ.
**Буюртма № 09-502**
ISSN 2010-6505

Манзилимиз: 700003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45
Мурожаат учун телефонлар: 232-61-42, 232-60-52
*rsult@academy.freenet.uz*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 025 рақами билан рўйхатга олинган.
Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

**«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.**

*Жараён*
**Қ. Назаров.**
Ислоҳотлар сарчашмаси ........ 4
**Ғ. Маҳамаджанов.**
Модернизация ва анъанавийлик ........ 7
**Ш. Аминов.**
Сиёсий тафаккурни шакллантириш ........ 10
**О. Нишонова.**
Ўзбек аёллари этномаданияти ........ 12
**З. Тожиева, А. Сатторов.**
Демографик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ........ 15
**А. Ҳусейнова.**
Фуқаролик жамияти ва феминизм фалсафаси ........ 17
*Бугунги куннинг муаммолари*
**М. Исмоилов, М. Муталлибхонова.**
Экологик барқарор жамият гарови ........ 22
**М. Абдуллаев.**
Экологик таҳдид: муаммо ва ечимлар ........ 24
**С. Минаваров.**
Маънавиятни асраш ва ҳимоя қилиш ........ 28
**Э. Жумаев.**
"Оммавий маданият" нинг зарарли оқибатлари ........ 30
**М. Холмухамедов.**
Иш билан бандликка таъсир этувчи омиллар ........ 32
*Ахборот олами*
**Б. Якубов.**
Сиёсий партиялар: ахборот-коммуникация технологиялари ........ 36
**Ҳ. Ражабов.**
Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ........ 39
*Сиёсий ва ҳуқуқий маданият*
**Э. Қодиров.**
Сиёсий маданият тушунчаси ........ 40
**Х. Жўрақобилова.**
Масъулиятни ошириш омиллари ........ 42
**Э. Кенжаев.**
Ўзни-ўзи бошқариш – демократия омили ........ 44
**В. Топилдиев.**
Оммавий ахборот воситаларининг таъсис ҳужжатлари ........ 46
**Г. Ўразалиева.**
Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш ........ 48
*Аждодлар мероси*
**Д. Абдураҳмонова.**
"Мажмаъун Наводир"нинг тарихий – бадиий қиммати ........ 50
**Р. Матибоева.**
Моваруннаҳрлик атоқли аллома ........ 52
**Л. Юлдашева.**
Ҳинд фалсафаси Беруний талқинида ........ 54
**С. Худойназаров.**
Шахс экологик маданиятини шакллантириш ........ 56
*Миллат маънавияти*
**Ш. Муродова.**
Жамият ҳаётида мафкуранинг аҳамияти ........ 58

https://buxdu.uz



**Г. Очилова.**
Миллий давлатчилик тафаккури ..... 60

*Мозийдан садо*

**И. Мавлонов.**
Бобурийлар давлатининг иқтисодий тизими ..... 62
**Ф. Эргашев.**
Мустамлака бошқарувининг кўчириш тадбирлари..67

*Ўзликни англаш*

**Ш. Содиқова.**
“Ҳаёт мазмуни” категорияси ..... 70

*Иқтисод ва ҳаёт*

**А. Бурханов.**
Молиявий барқарорликни таъминлаш модели ... 74
**Х. Юлдашев.**
Бозор муносабатлари шароитида валюта механизмлари ..... 75
**А. Мадраимов.**
Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасининг ўсиши ... 78
**А. Маматқулов.**
Минтақалар салоҳиятидан самарали фойдаланиш омиллари ..... 80
**Х. Ҳамроев.**
Эркинлаштириш сиёсати тўғрисида айрим фикрлар ..... 82
**Ш. Тўраев.**
Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ..... 84
**Х. Дўстмуҳаммад.**
Халқ таълимини самарали молиялаштириш ..... 85
**А. Бобоев.**
Иқтисодий самарадорликни аниқлаш услубияти ..... 88
**Б. Сафаров.**
Чакана савдо: маркетинг тизими ..... 90
**Ш. Ҳамдамов.**
Фермерлик укладида маркетинг ..... 92
**З. Худайбердиев.**
Халқаро меҳнат миграцияси: таҳлил ва талқин..... 94

*Мутолаа*

**З. Худойбердиев.**
Меҳнат бозори тадқиқи ..... 96
**И. Саифназаров.**
Глобаллашув ва ахборот хавфсизлиги ..... 96
**Р. Самаров, О. Сирожов.**
Замон талабларига жавобан ..... 98
**Ф. Комилова.**
Маркетинг муаммолари таҳлили ..... 99
**С. Зайнутдинов.**
Иқтисодий муаммоларга бағишланган тадқиқот .....100
**М. Файзиев.**
Оқилона ҳуқуқий сиёсат-изчил ислоҳот негизи ..... 101

*Тадқиқот, кашфиёт, ахборот*

**Ў. Худойқулов.**
Малакали мутахассислар тайёрлаш ..... 104
**М. Туропова.**
Демографик жараёнлар тарихшунослиги ..... 105
**О. Шералиев.**
Жанубий Кавказда барқарорликни таъминлаш.107
**З. Расулова.**
Диний никоҳ ва полигиния ..... 108
**Ж. Маҳмудов.**
Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар ..... 110
**М. Алиева.**
Туристик секторни бошқариш ..... 111
**А. Тўхтаев.**
XX аср бошларида Сурхондарёда тадбиркорлик... 112
**М. Раҳимова.**
Касаба уюшмалари ва фуқаролик жамияти ..... 114
**Б. Хусанов.**
Савдо корхоналарига капитал қўйилмалар ..... 116
**Ж. Тавакалов.**
Иқтисодиётни модернизациялаш омили ..... 117
**М. Саидова.**
Хонадон даромадини ўстириш ..... 119
**М. Эшмуродов.**
Хоразм тарихий географиясини ўрганиш ..... 120
**С. Топилдиев.**
Аграр муносабатлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари ..... 121
**Н. Нуруллаева.**
Қорақалпоғистон ва Хоразмда халқ таълими тарихи ..... 123
**А. Бахриддинов.**
Ҳисор тоғ довонлари ..... 124
**Ш. Аббосова.**
Ижтимоий қарашлар ва кучлар якдиллиги ..... 125
**Э. Тилаев.**
Замон билан ҳамнафас қадрият .....126
**О. Эргашев.**
Чориқулбой ва унинг зурриёдлари қисмати ..... 128
**М. Алланазаров.**
БХСРнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолияти ..... 129
**К. Зияева.**
“Социал хавфсизлик” тушунчасига доир ..... 131
**Э. Маҳмудов.**
Давлатнинг инвестиция сиёсати ..... 132
**Б. Сафаров.**
Тарихимизнинг очилмаган саҳифалари ..... 133
**А. Шермаматов.**
Хоразм Республикасидаги маданий ислоҳотлар.. 135

https://buxdu.uz



Иқтисодий тараққиёт учун иқтисодий эркинлик, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини бериш долзарбдир. Тоталитар жамият иллатларидан тўла қутилмаган ҳозирги ўтиш даврида республикада (таъқиқлар, чеклашлар, ман этишлар, рухсат беришлар ҳали мавжуд бўлган даврда) иқтисодиётда танлаш ва фаолият эркинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Кишилар кейинги 100 минг йил давомида анъана, урф-одатлар чегарасида ва охирги бир неча минг йиллар давомида эса давлатнинг йўл – йўриқ ва зўрлиги асосида яшаб келмоқда эдилар. Энди (бозор иқтисодиёти шароитида) эса эркинликка асосланиб яшашлари керак. Эркинликка асосланиб яшашни эса ўрганиш лозим, шу билан бирга, бундай яшашни ўргатиш учун жамиятда махсус сиёсат бўлса, бу жараёнлар яхшироқ, тезроқ кечар эди. Бундан ташқари, кейинги бир неча минг йиллар давомида тоталитар муҳитда яшаган кишилар осонгина эркинликни қабул қилади, деб ўйлаш ҳам утопиядир.

# ЭРКИНЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ ФИКРЛАР

*Ҳалим ХАМРОЕВ,*
*иқтисод фанлари номзоди*

Шунинг учун ҳам миллат ҳаётида бу жараён стихияли тарзда содир бўлмаслиги учун пухта ўйланган чора – тадбирлар тизимига, яъни эркинлаштириш сиёсатига эга бўлиши даркор. Ўзбекистон каби собиқ социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, бу жамиятлар нафақат узоқ вақт тоталитар тизимда яшаган, балки тоталитаризмнинг ёмон кўринишларидан бири бўлган социализмни ҳам бошдан кечирган, оқибатда эркинлик инстинктлари анча сусайиб қолган. Шунинг учун жамиятни, шу жумладан, иқтисодиётни либераллаштириш осонлик билан, силлиққина, қаршиликсиз, курашсиз кечмайди. Жамият ҳаётини либераллаштиришда синалган қуролларнинг (шу жумладан, эркин иқтисодий ҳудудларнинг) ишлашига шароит яратиш, унинг ижобий ютуқларини бутун жамиятга тарқатиш, мамлакатнинг қайси ҳудудида, қайси соҳа ва тармоғида либераллаштиришнинг қайси унсурини киритиш зарурлигини аниқлаштириш керак. Бу масалаларни ҳал қилишга қаратилган давлатнинг сиёсатини "эркинлаштириш сиё-

https://buxdu.uz



сати" деб номласа бўлади, аммо эркинлаштириш жуда кенг қамровли тушунча ва ўз ичига иқтисодиётдан ташқари кўплаб соҳаларни (масалан, сиёсатни эркинлаштириш, диний эркинлик ва б.) ҳам олади. Албатта, либерализация – эркинлаштириш асосида содир бўладиган жараёндир, аммо уни давлат томонидан керакли йўналишларда, керакли суръатда ўтказиш мумкин. Шунинг учун ҳам эркинлаштириш сиёсати зарурдир. Жуда мураккаб жараён бўлган либераллаштиришни ҳамма соҳада бир хил тарзда жорий этиш мумкин, деб ўйлаш ҳам нотўғри.

Ресурслар билан маневр қилишни юқори даражага чиқариб, тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш натижасида кенг миқёсда рағбатлантириш қобилиятига эришиш туфайли эркинликларни бутун мамлакат миқёсида бирданига таъминлаб бўлмайди. Бунинг икки муҳим сабаби бор:

1) бутун хўжалик механизмини мамлакат миқёсида тартибга солишни йўқотиш имконияти мавжудлиги;

2) жамиятнинг кўпгина институтларида инертлик, консервативликнинг мавжудлиги.

Шунинг учун ҳам давлат мамлакатда эркинлаштириш сиёсатини юргизиб, эркинлик бериш масаласида қайси соҳа, тармоқ ёки ҳудудга беришни аниқлаб, ундан кейин имтиёз ва енгилликлар яратиши керак.

Ҳозирги замон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти, уларнинг жаҳон мамлакатлари бўйича тарқалганлигида ҳам кўринади. Улар дунёнинг барча қитъа ва регионларида (140 дан ортиқ давлатда) мавжуд. Иқтисодий тараққиётга юз тутган барча давлатлар ўз тараққиётини жадаллаштириш учун эркинлаштиришнинг буюк қуроли бўлган эркин иқтисодий ҳудудлар механизмидан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

БМТ томонидан тан олиниб, эътироф этилган йўллардан бири – эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдир. Уларнинг яратилиши хорижий капитал (ноу-хау, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари, замонавий илғор техника ва технология, менежмент) билан маҳаллий хом ашё, меҳнат ва илмий-техник ресурслар қўшилишининг энг оптимал йўли ҳамдир. Эркин иқтисодий ҳудуд – савдо, ишлаб чиқариш, молиявий, технологик каби муносабатларнинг ўта концентрациялашган ўчоғи. Бу ўчоқ ўзига хос молиявий, маъмурий, солиқ, божхона, валюта тартиботини ўзида мужассамлаштиради. Бундай ҳудудларни яратиш, уларнинг яхши фаолият юритиши учун эса, албатта, пухта ўйланган сиёсат талаб қилинади.

Хуллас, Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини янада тезроқ ошириш учун пухта ўйланган эркинлаштириш сиёсати, шу жумладан, ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ташкил этилажак ҳудудлар иқтисодиётни эркинлаштиришнинг, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини синаш майдонига айланади, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро таъсирни ўрганиш лабораторияси бўлади.